

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

“Педагогик маҳорат” фанидан лаборатория машғулоти ишланмаси

МАВЗУ:

**Мулоқот, мулоқот маданияти, ўқитувчи-ўқувчи мулоқоти
таҳлили**

Тузувчи: доц. Д.А.Ахатова



Навоий - 2008

3- МАВЗУ. МУЛОҚОТ, МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ, ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ МУЛОҚОТИ ТАҲЛИЛИ

РЕЖА:

- I. Назарий билимларни ўзлаштиришга оид кўрсатмалар.
- а) Таълим жараёнида мулоқотни ташкил этишда миллий маданий асослар ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги. Шарқона мулоқот.
- б) Педагогик мулоқот ва унинг функциялари
- в) Мулоқотни бошқариш услублари.
- II. Мулоқотни кузатиш ва ўзлаштиришга оид амалий ишлар.
- Назарий машғулотлар ва кузатишлар асосида мулоқотга оид карашларни шакллантириш, ривожлантириш.
 - муошарат одобининг таълим жараёнидаги аҳамияти. Соф адабий тилда сўзлашиш.
 - Мулоқотга ўргатувчи ўйин машқларидан фойдаланиш.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юсак маънавият- енгилмас куч.- Т. «Маънавият», 2008.
2. Абу Носр Форобий. Фозил одамлар шари.- Т. А.Қодирий номидаги «Халқ мероси»нашриёти, 1993 .
3. Аждодлар ўғити. Ҳикматлар, ҳикоятлар тамойиллари. -Т. «Чўлпон»,1991.
4. Иброҳимов А ва бошқ. Ватан туйғуси.- Т."Ўзбекистон", 1996.
5. Кайкавус. Қобуснома.- Т., «Истиқлол».1991 .
6. Муомала тренинги. (Услубий қўлланма ТошДУ). Т.-,1994.
7. Мунавваров А. Оила педагогикаси.- Т., «Ўқитувчи», 1994.
8. Шип И.Н. Муомала санъати (Педагогик изланишдан). -Т., 1990 .
9. Шермухамедов Е. Хулқ ва муомала маданияти.-Т., 1974.

Тайёрланиш жойи- ўқув зали

Ўтиш жойи- аудитория.

Машғулот режаси: I. Назарий билимларни ўзлаштиришга оид кўрсатмалар. а) Таълим жараёнида мулоқотни ташкил этишда миллий маданий асослар ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги. Шарқона мулоқот. б) Педагогик мулоқот ва унинг функциялари в) Мулоқотни бошқариш услублари. II. Мулоқотни кузатиш ва ўзлаштиришга оид амалий ишлар. - Назарий машғулотлар ва кузатишлар асосида мулоқотга оид карашларни шакллантириш, ривожлантириш. - муошарат одобининг таълим жараёнидаги аҳамияти. Соф адабий тилда сўзлашиш. - Мулоқотга ўргатувчи ўйин машқларидан фойдаланиш.	
Машғулотнинг мақсади:	- Таълимий- Талабларнинг муомала, педагогик мулоқот, шарқона мулоқот, мулоқотнинг вазифаси, тузилиши ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. - Тарбиявий- Ўзаро ва ўқувчилар билан инсоний, дўстона муомалага ўргатиш. - Ривожлантирувчи- Муомала, мулоқот маданияти таркиб топишига кўмаклашиш. Талабада мулоқотнинг демократик услуби қарор топишига ёрдамлашиш.

Талабанинг ўқув фаолияти натижалари: – Мулоқот ва педагогик мулоқот тушунчалари моҳиятини айтиб беради. – Мулоқотни ташкил этишда миллий маданий асослар ва умуминсоний кадриятлар устуворлигини изоҳлайди. – Шарқона мулоқот моҳиятини ёритиб беради. – Муошарат одоби иа унинг таълим жараёнидаги аҳамиятига тўхтаб ўтилади. – Таълим жараёнида соф адабий тилда сўзлашиш талабига эътибор қаратилади. – Педагогик мулоқот ва унинг функцияларини санаб беради. – Мулоқотни бошқаришнинг демократик, авторитар ва либерал услублари моҳиятини мисоллар билан изоҳлаб беради. – Мулоқотни бошқаришнинг услублари таърифини айтиб беради.		
Мустақил ўрганиш учун топшириқлар: 1. Шарқона мулоқотга оид мисоллар келтиринг. Еслатма: Ҳар бир талаба шарқона, ўзбекона мулоқотга оид мисоллар келтиради. 2. Қисқача ҳикоя тузиб, уни адабий тилда, тил нормаларига риоя қилган ҳолда гапириб беринг. 3. Педагогик мулоқот тушунчасини “Б-Б-Б –технологияси” асосида ўрганинг 4. Блиц-савол-жавобларда иштирок этинг. 5. Педагогик мулоқотга оид тестларни ечинг.		
Назорат шакли: Оғзаки назорат, савол-жавоб ва лабораториянинг ёзма варианты.	Максимал балл: 3 б. Талабага қўйилган балл: _____	Ўқитувчи имзоси: _____

МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ:

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мувофиқ таълим - тарбия ишларида миллий - маданий ва умуминсоний кадриятлар устуворлигига эътибор бериб келинмоқда. Бу устуворлик турли хилдаги мулоқотларда ҳам сақлаб келинса мақсадга мувофиқдир.

Миллий кадриятларимиз ва шарқона тарбиямизнинг таъсири мулоқотда ҳам сезилиб туради. Бизда кишилар билан муносабат, сўзлашув ва шунингдек иш, хизмат билан боғлиқ алоқага муомала дейилади. Энг гўзал муомала лутф - карамдир. Алишер Навоий бунини муомала - пардоз деб ёзади. Хуллас халқимизда одамлар билан муносиб тарзда муомала қила билишлик маданият, олижаноблик аломати деб тушунилган.

Муомала маданияти, энг аввало, халқимизнинг болажонлиги, оилани муқаддас билишида намоён бўлади.

Барча маданий халқларда бўлгани каби ўзбекларда ҳам муомал "Ассалому - алайкум" ва "Ваалайкум ассалом"дан бошланади, кейин ҳол-аҳвол сўрашишга ўтилади.

Муомала ва мулоқотда халқимизнинг миллий анъаналари ва урф-одатлари ҳам таъсирини кўрсатади.

Халқимизда азалдан кўпчилик иштирокида ўтадиган турли болалар ўйинлари, чойхона суҳбатлари, тўй - маъракалар, мавсумий байрамлар - лола сайли, "бойчечак" айтиш, қовун сайли, қизлар мажлиси, келин саломини, юз очтиси, сумалак, кураш, меҳмон кутиш каби кўплаб маросимларимиз ўзбек халқига хос бўлган "ўзбекона", "шарқона" тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Халқ оғзаки ижодимиз ҳам болаларда турли ахлоқий сифатларни тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Шарқона муносабатда ота - онага ҳурмат билан қаралиши, оилада отани ўрни алоҳида бўлганлиги, ота -онанинг гапини икки қилмаслик, ота - онанинг измидан чиқмаслик, шу билан бирга отага гап қайтариш, унга тик боқиш гуноҳ ҳисобланиши каби ҳолатларни кўришимиз мумкин. Ёки устозга ҳурмат билан қараш каби хислатлар ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Мулоқот ва мулоқот маданиятининг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти ўрганилади. Фақат тўғри, демократик услубда ташкил этилган мулоқот асосидагина ўқувчиларнинг мустақил, эркин фикрлашини, ижодкорлигини, дўстона муносабатини ташкил этиш ва таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш мумкин. Бу эса Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Президентимиз асарларида илгари сурилаётган муҳим талаблардан биридир. Бундай дарслар эса ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

“Педагогик мулоқот” тушунчаси “Б-Б-Б –жадвали” методи асосида ўрганилади.

Б-Б-Б ЖАДВАЛИ



Назарий саволларга жавоблар асосида мулоқот ҳақидаги талабалар тушунчалари намоён бўлади. Мактаб ўқитувчилари ва тарбиячилар билан ўқитувчи-ўқувчи муносабати, мулоқотни ташкил этилиши тўғрисида суҳбат ташкил этилади. Мулоқотда шарқона ва ўзбек урф-одатлари ва уларнинг аҳамияти масалалари ҳам кўриб чиқилади. Бунда педагогик мулоқотга эътибор қаратилади:

Мулоқот педагогик фаолиятдаги энг муҳим касбий қурол ва педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Педагогик мулоқот бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарсда ва дарсдан ташқари вақтда энг қулай психологик муҳит яратишга қаратилган касбий муносабатдир. Нотўғри педагогик мулоқотдан ўқувчида қўрқув, ишончсизлик пайдо бўлади, эътибор, диққат, ишчанлик пасаяди, нутқ динамикаси бузилади, мустақил фикрлаш пасаяди.

Педагогик мулоқот функциялари. Педагогик мулоқот социал -психологик жараён сифатида қуйидаги функциялари билан характерланади: шахсни билиш; ахборот

алмашиниш; фаолиятни ташкил этиш; роллар билан алмашиш; бошқалар учун қайғуриш; ўзини тасдиқлаш¹.

Мулоқотнинг ахборот алмашиш функцияси материаллар ва қадриятлар билан алмашиш жараёнини таъминлаб, ҳамкорликдаги изланиш муҳитини, ўқув тарбия жараёни учун қулай шароит яратади.

Ўқитувчи таълим - тарбия жараёнига шахсий ролли шакл киритади: ўқувчиларни дарснинг турли элементларини бажаришга жалб этади, ўқувчиларга ташкилотчи ва ижрочи ролларида қатнашишга имконият беради.

Мулоқот шахсни ўзини тасдиқлаш функциясини ҳам бажаради. Педагогнинг вазифаси ўқувчига ўзининг "Менлиги"ни англашга ўзининг шахсий аҳамиятини билишга, ўзига баҳо беришга ўргатиши керак.

Ўқитувчи дарсни режалаштира туриб, фақат ахборот беришни эмас, балки болаларни ўз фикрларини билдириш, ўзини тасдиқлаш учун имконият ҳам яратиш керак.

Педагогик мулоқот бу ўқитувчи профессионал фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, бунда таълим ва тарбия вазифалари ўқитувчи ҳамда ўқув тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир воситаси билан ҳал қилинади. Шу ерда муомала ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Муомала - ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи, шахслараро мулоқот ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муомала қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

1. Коммуникатив (бир томонлама ахборот узатиш. Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашувни қамраб олган бўлиб, коммуникатив жабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир - бирлари билан мулоқотда киришиши жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ; фаолиятига бевосита мурожаат қиладилар.

2. Интерактив (икки томонлама таъсир) - мулоқотга киришувчиларни ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида на фақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки ҳатти - ҳаракат ва хулқ атвори билан ўзаро таъсир ўтказиши тушунилади.

3. Перцептив (ўзаро бир - бирини идрок қилиши, англаши) бунда мулоқотга киришувчилар ўзаро бир - бирларини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, яъни улардан бири иккинчисининг ишончига лойиқ, ақлли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок қилинади.

Педагогик муомала деганда ўқитувчи ва талабалар (ўқувчи) жамоасининг ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизими англашилиб унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашиши, таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш ўзаро тушунишга эришиш ва уни ташкил этиш тушунилади.

Ўқув - тарбия жараёнида педагогик мулоқотни бошқариш услубларига ҳам тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар:



Авторитар услуб. Ўқитувчи гуруҳнинг фаолият йўналишини шахсан ўзи белгилайди, ким - ким билан ўтиради, ким билан ишлайди ўқитувчи ўзи ҳал қилади. Бундай услубда иш юритувчи ўқитувчи ўқувчилар ташаббусига йўл бермайди.

¹Б.А. Қўсқорба. Ўқувчи ва талабалар ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизими. Ў., 1988, 145 а.

Ҳамкорликнинг асосий шакли - буйруқ, кўрсатма, инструкция, огоҳлантириш. Ҳатто камдан кам билдириладиган миннатдорчилик ҳам камситиш шаклида бўлади. "Сен бугун яхши жавоб бердинг. Сендан буни кутмовдим" каби.

Ўқувчи хатосини кўrsa, уни тузатиш ўрнига устидан кулади. У йўғида иш секинлашади ёки бутунлай тўхтаб қолади.

Демократик услуб. Ўқитувчи фаолият мақсадини ҳар бир ўқувчи онгига етказишга, иш боришини ҳал этишга ҳаммани фаол иштирок этишга ундайди. Ўзининг вазифасини фақат назорат ва мувофиқлаштиришда эмас балки тарбиялашда деб билади, ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилади, унда ўзига ишонч пайдо бўлади, ўз - ўзини бошқариш ривожланади. Демократик услубда бошқарувчи ўқитувчи болаларнинг индивидуал қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиб вазифаларни оптимал тарзда тақсимлашга ундайди. Фаолликни рағбатлантиради, ташаббусни қувватлайди. Мулоқотнинг асосий шакли -илтимос, маслаҳат, ахборот тарзида бўлади.

Либерал услуб. Ўқитувчи жамоа фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади, фаоллик кўрсатмайди, маслаҳатларга формал қарайди, турли таъсирларга тез берилади. Жавобгарликдан ўзини олиб қочади.

Энг яхши услуб - демократик услуб. Миқдорий кўрсаткичлар авторитар услубдан кам бўлиши мумкин, лекин ишлаш иштиёқи, ўқув раҳбар йўғида ҳам давом этади. Ижодкорлик юқори бўлади, жавобгарлик ҳисси, ўз жамоаси учун фахрланиш ривожланади. Энг ёмон услуб - либерал услуб бўлиб, бунда ҳам иш кам бажарилади, ҳам сифат ёмон бўлади.

Авторитаризм ўқитувчи етукмаслигини, унинг ахлоқий ва сиёсий тарбиясизлигини билдириб, педагогик маданияти пастлиги билан характерланади.

Болаларнинг мустақил фикр юрита олиш даври қайси ёшдан бошланади? Мактаблардаги машғулотлар ўқувчиларнинг мустақил фикр юрита олишларига асосланганми? деган юртбошимизнинг саволларига талабалар жавоб излайдилар. Ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотидаги мажбурий итоаткорликдан воз кечиш, онгли интизом жараёнини вужудга келтириш ва унинг аҳамияти таҳлил этилади.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлмоғи лозим.

Блиц-сўров саволлари

№	Савол	Жавоб
1	Муомала нима?	
2	Мулоқот нима?	
3	Шарқона муомалага мисол келтиринг	
4	Муошарат одоби нима?	
5	Педагогик мулоқот нима?	
6.	Педагогик мулоқот функциялари	
7	Педагогик мулоқотни бошқариш услублари	

Талабаларнинг мулоқотга киришиш кўникмаларини аниқлаш мақсадида қатор тестлардан, масалан, К.Н. Томос томонидан тузилган «Шахслараро муносабатни аниқлаш тести» дан фойдаланиш мумкин.

Талабалардаги ўзаро шахсий муносабатнинг ҳиссийлик даражасини субъектив баҳолаш учун «Сиз билан муомалада бўлиш ёқимлими?»² деб аталадиган тестдан фойдаланиш мумкин. Бунда текширилувчиларга 10 та саволга жавоб бериш таклиф қилинади. Текширилувчи саволга «ха», ёки «йўқ» деб жавоб бериши лозим.

Тест саволлари:

1. Сиз гапиришга қараганда эшитишни яхши кўрасизми?

² Муомала тренинги. Муаллиф тузувчилар Э.Ғозиев, Р.Тошимов. ТошДУ. -Т.,1994, 11-12 бетлар.

2. Сиз ҳатто ўзингиз танимаган нотаниш киши билан ҳам суҳбатлашиш учун мавзу топа оласизми?
3. Сиз доимо суҳбатдошингизни эътибор билан тинглайсизми?
4. Сиз маслаҳатлар беришни ёқтирасизми?
5. Агар суҳбат мавзуси Сиз учун қизиқарсиз бўлса, буни суҳбатдошингизга билдирасизми?
6. Агар Сизни тинглашмаётган бўлса, жаҳлингиз чиқадими?
7. Сизда ҳар қандай масала бўйича ўз фикрингиз борми?
8. Агар суҳбат мавзуси сиз учун нотаниш бўлса, унда суҳбатни давом эттирар эдингизми?
9. Сиз ҳамманинг нигоҳида бўлишни ёқтирасизми?
10. Сиз етарли билимга эга бўлган ҳеч бўлмаса учта предметни эгаллаганмисиз?

Тестнинг калити:

«Ҳа»: 1, 2, 3, 6, 7, 8, 9, 10.

«Йўқ» 4, 5.

Калитдаги мос тушган жавобларнинг ҳаммаси қўшиб ҳисоблаб чиқилади. Ҳар бир мос тушган жавоб 1 баллга тенгдир.

1-3 балл: Сиз билан муомала қилиш ҳар доим ҳам ёқимли эмас, ҳатто баъзида бир оз оғир ҳам.

4-8 балл: Сиз ҳар доим ёқимли ва диққат эътиборли суҳбатдошсиз, аммо кайфиятингиз ёмон бўлса суҳбатдошингизга эътибор бермай қўясиз.

9-10 балл: Сиз муомала жараёнида жуда ёқимли суҳбатдошсиз, фақат жуда ошириб юборманг.

Талабалардаги тинглай олиш қобилиятини аниқлаш учун «Сиз суҳбатдошингизни тинглай оласизми?»³ деган тестдан фойдаланиш мумкин.

Бунда текширилувчилардан 10 та саволга жавоб бериш талаб қилиниб, у қуйидаги кўрсатилган жавоб вариантларидан бирини танлаши лозим бўлади:

- а) ҳар доим;
- б) кўп ҳолларда;
- в) баъзан
- г) жуда кам;
- д) ҳеч қачон.

Тест саволлари:

1. Агар суҳбат мавзуси ёки суҳбатдошингиз қизиқарсиз бўлса, унда суҳбатни тезроқ тугатишга ҳаракат қиласизми?
2. Суҳбатдошингизнинг суҳбат давомидаги ҳатти-ҳаракатлари сизнинг жаҳлингизни чиқарадими?
3. Суҳбат давомида суҳбатдошингиз томонидан айтилган ноўрин сўз ёки ҳатти-ҳаракат сизни қўполликка ундаши мумкинми?
4. Нотаниш киши Сиз билан суҳбатлашишга интилаётган бўлсада, лекин сиз бундай суҳбатдан қочишга ҳаракат қиласизми?
5. Сизда суҳбатдошингизнинг гапини бирдан бўлиб қўйиш одати борми?
6. Сизда умуман бошқа нарсани ўйлаб турган ҳолда, ўзингизни диққат билан суҳбатдошингизни тинглаётгандек кўрсатиш ҳоллари бўлиб турадими?
7. Сизнинг суҳбатдошингиз ким эканлигига боғлиқ равишда сўзлаш оҳангингиз, товушингиз, юз қиёфанингиз ўзгариб турадими?
8. Агар суҳбатдошингиз Сиз учун гапириш ноқулай бўлган мавзудан гап очса, унда суҳбат мавзусини ўзгартирармидингиз?

³ Муомала тренинги. Муаллиф тузувчилар Э.Ғозиев, Р.Тошимов. ТошДУ. -Т.,1994, 15-16 бетлар.

9. Агар суҳбат давомида суҳбатдошингиз сўзларини нотўғри талаффуз қилса, ном ва терминларни нотўғри айтса, уни дарров тўғрилашга ҳаракат қилармидингиз?
10. Сиз суҳбат давомида талаффуз оҳангларига ва кинояларга бефарқ бўла оласизми?

Тест калити:

- а) ҳар доим- 2 балл;
- б) кўп ҳолларда- 4 балл;
- в) баъзан- 6 балл;
- г) жуда кам- 8 балл;
- д) ҳеч қачон- 10 балл.

Олинган жавоблар тест калитига солинганидан кейин умумий балл ҳисоблаб топилади.

Суҳбатдошни тинглай олиш қобилияти олинган баллар асосида белгиланади.

55 балл- ўртача даража.

62 балл- тинглай олиш қобилияти ўртачадан юқори.

Суҳбатдош тўплаган балл йиғиндиси қанчалик кўп бўлса, унинг тинглай олиш қобилияти шунчалик юқори бўлади.

Э.Ғозиев ва Р.Тошимовларнинг «Муомала тренинги» китобидаги «Мулоқотга ўргатишга оид ўйин машқларининг системаларидан» фойдаланиш ҳам мумкин.

Ўйинга оид тренинг- бу мулоқотга ўргатиш учун бажариладиган ўйин машқларининг системасидир. Тренингнинг асосий мақсади- шахсни руҳий озод қилиш, унда табиий эркинликни ҳис этишни, ўз гуруҳида ва ундан ташқарида ўзаро муносабат ва алоқа ўрната олишни шакллантиришдан иборатдир. Бунда ўйинни ташкил этиш, олиб бориш йўллари кўрсатилган.

Ўқитувчи-ўқувчи мулоқотига доир масалалар, педагогик вазиятлар ҳам берилиб, муҳокама этилади.

ХУЛОСА

Барча масалалар бўйича талабалар жавоблари тингланиб, ечилмаган масалалар ёритиб берилади. Мулоқотни аниқлашга оид тест жавоблари, талабаларнинг машғулотда иштироки, саволларга берган жавоблари таҳлил этилиб, ҳар бир талабалага тегишли маслаҳатлар берилади. Талабаларнинг иштирокига мос баллар қўйилади.